



Сен улкан нарса ҳақида сўрадинг», - дедилар. — Бироқ Аллоҳ таоло осон қилган кишига осондир

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга сафарда эдим. Бир кетаётганимизда У зотга яқин бўлдим.

Шунда: «Ё Расулуллоҳ, менга шундай бир амални айтингки, у мени жаннатга киритиб, дўзахдан узоқлаштирсин», - дедим. «Сен улкан нарса ҳақида сўрадинг», - дедилар. — Бироқ Аллоҳ таоло осон қилган кишига осондир: Аллоҳга бирон-бир нарсани шерик этмасдан ибодат қил. Намозни тўқис адо эт, закот бер, Рамазон рўзасини тут ва Байтуллоҳга ҳаж қил! Сўнг дедилар: «Сенга яхшилик эшикларини кўрсатайми?! Рўза қалқондир. Садақа бамисоли сув ўрни ўчирганидек гуноҳларни ўчиради. Кишининг тунда ўқиган намози ҳам (яхшилик эшикларидандир). Сўнг

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги оятни тиловат қилдилар: «Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказиб оз ухлайдилар). Улар Раббиларига кўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсадан инфоқ эҳсон қилурлар. Бас уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб, улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини бирон жон била олмас» [Сажда: 16-17]. Сўнг дедилар: «Сенга ишнинг боши, устунни ва чўққиси ҳақида хабар берайми?!» «Ҳа, ё Расулуллоҳ!» - дедим. «Ишнинг боши Ислом, устунни намоз ва чўққиси Жиҳоддир», - дедилар. Сўнгра дедилар: «Сенга мана шуларнинг ҳаммасининг ўзаги ҳақида хабар берайми?!» «Ҳа, ё Расулуллоҳ!» - деб жавоб бердим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилларини ушлаб дедилар: «Мана бунингни тийгин!» «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, нима, биз гапирган гапларимизга ҳам жавобгар бўламизми?!» - дедим. Шунда: «Сени йўқлаб, онанг йиғласин, ахир одамларни юзлари билан (ёки "бурунлари билан" дедилар) дўзахга қулатадиган нарса тилларининг мевалари эмасми?!» - дедилар.

[Барча йўллари жамлаш билан саҳиҳ] [Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Муоз разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бир сафарда эдим. Бир куни саҳар пайти уларга яқинроқ бўлиб йўлда кетар эканмиз, мен дедим: «Ё Расулаллоҳ, мени жаннатга киритадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амал ҳақида хабар берсангиз». Шунда У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Албатта сен мендан жуда улкан амал ҳақида сўрадинг. Бу амални нафслар учун бажариш оғир, лекин Аллоҳ осон қилиб қўйган банда учун енгилдир. У амал — Ислом фарзларини адо этиш: 1. Аллоҳгагина ибодат қилиш ва унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик. 2. Кундуз ва туннинг беш вақт -бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон-фарз намозларини ўз шартлари, рукнлари ва вожиблари билан адо этиш. 3. Фарз

закотни бериш. Закот – шариатда белгиланган миқдорга етган молдан олиниб, ҳақдорларга бериладиган молиявий ибодатдир. 4. Рамазон рўзасини тутиш. Рўза – ибодат ниятида саҳардан то қуёш ботгунга қадар еб-ичиш ва бошқа рўзани бузувчи ишлардан тийилишдир. 5. Аллоҳ аза ва жаллага ибодат қилишни мақсад қилиб, маносикларни бажариш учун Байтуллоҳга ҳаж қилиб бориш. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сенга яхшилик эшикларига етаклайдиган йўлларни ҳам айтайми? Улар фарзлардан кейинги нафл ибодатлардир: Аввало, нафл рўза. Бу гуноҳлардан сақлайди. Чунки у шаҳватни синдиради, кучни заифлаштиради. Сўнгра нафл садақа. У гуноҳ қилинганидан кейин уни ўчиради, юқотади ва изини йўқотади. Кейин, туннинг учинчи бўлигида нафл намоз (таҳажжуд) ўқиш. Сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръондан қуйидаги оятни тиловат қилдилар: «Улар ётоқларидан узоқлашадилар» – яъни ухлашдан воз кечиб намоз ўқиш учун туришади. Улар Раббиларига қўрқиб ва умид қилиб дуо қиладилар. Биз берган ризқдан улар садақа қилдилар. Уларнинг учун қандай кўзларни қувонтирувчи неъматлар яшириб қўйилганини ҳеч ким билмайди. Бу – улар қилган амаллари учун бериладиган мукофотдир». Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна дедилар: «Сенга диннинг асосини, унинг устунни ва энг юқори даражасини ҳам айтайми?» Муоз разияллоҳу анҳу дедилар: «Албатта, ё Расулаллоҳ». Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ишнинг боши — Ислом. У икки шаҳодат (яъни: «Лаа илаҳа иллаллоҳ» ва «Муҳаммадур Расулуллоҳ»). Улар билан инсонда диннинг асоси барпо бўлади. Унинг устунни — намоз. Устунсиз уй бўлмаганидай намозсиз ҳам Ислом бўлмайди. Ким намоз ўқиса, унинг дини мустаҳкам ва баланд бўлади. Унинг энг юқори даражаси эса — жиҳод. Бу Аллоҳнинг каломини олий қилиш йўлида душманлар билан жанга киришиб, куч ва жонини қурбон қилишдир. Сўнг У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна дедилар: «Сенга шу айтилган нарсаларни мустаҳкамлаб турадиган асосий нарсани ҳам айтайми?» Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз тилларини ушлаб, дедилар: «Мана шуни тий! Сенга дахли бўлмаган сўзларни гапирма!» Муоз разияллоҳу анҳу сўрадилар: «Ё Расулаллоҳ, биз айтган ҳар бир сўзимиз учун Раббимиз ҳисоб қилиб, жазо берадими?!» Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Онаси йўқотгур! (Бу араб тилида ҳайрат ва огоҳлантириш ифодаси қатори ишлатилади, ҳақиқий дуо маъносида эмас.) Одамларни юзлари билан дўзахга йиқитадиган нарса, уларнинг тиллари орқали йиғган нарсаларидир. Яъни, куфр сўзлари, ҳақорат, сўкиниш, ғийбат, чақимчилик, бўҳтон ва шунга ўхшаш сўзлар сабабли-ку».

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4303>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

